

Наврўз айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



Ishonch

www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 22-mart № 37 (2918) seshanba

МОҲИАТ
Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан холи бўлган, узоқ ўтмиш замонлардан бўён қадриятларимиз тимсоли бўлиб келатган ҳосиятли бир айём, яшариш ва янгилиниш фаслидир.
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarib boshlagan

Бунёдкорлик, меҳр-мурувват ва эзгу орзулар айёми

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ


Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар!
Шу кунларда она юртимиз — Ўзбекистонимиз заминига гўзал баҳор нафаси билан бирга барчамиз орзиқиб кутган Наврўзи олам кириб келмоқда. Табиат очилиб, шаҳар ва қишлоқларимиз яшил либосга бурканиб бораётган мана шу лаҳзаларда сиз, қадрли ватандошларимизни, бутун халқимизни Наврўз байрами билан чин юракдан табриклаб, барчангизга ўзининг самимий тилакларини изхор этишдан бахтиёрман.
Хурматли дўстлар!
Халқимиз ҳамisha шоду хуррамлик билан қутиб оладиган қутлуг байрамлар ва саналар кўп. Лекин шу кунларда эл-юртимиз нишонлаётган Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан холи бўлган, узоқ ўтмиш замонлардан бўён қадриятларимиз тимсоли бўлиб келатган ҳосиятли бир айём, яшариш ва янгилиниш фаслидир.
Шарқона янги йил бўлиши бу сана одамзот қалбига эзгу интилишларни уйғотиб, унга умид ва ишонч, шукроналик туйғуларини бағишлайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркакга аёл, ёш қари — барча юртдошларимизнинг энг ардоқли, катта хурсандчилик билан ўтказадиган сеvimли байрамидир.
Бу бетақор айёмни ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада, бағримизни кенг очиб, «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуг бўлсин, юртимизга тинчлик-омонлик келтирсин!» деб қарши олиш азалий оdatимизга айлиб қолган, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.
Ана шундай ҳолисона, пок ниятлар билан заҳматкаш деҳқонларимиз офтоб нуридан тобора қизиб бораётган ерга уруғ қадаб, бепойн далаларимиздан мўл ҳосил ўндириб мақсадида янги меҳнат мавсумини бошламоқда.
Бугун мана шу мунаввар дамларда ҳаммамизнинг тилагимиз: фидойи деҳқон ва фермерларимизнинг, барча меҳнатчиларимизнинг бахтини, омадини берсин, ишлари бароридан келсин.
Наврўз шукҳи, кўкмак шободаси уфуриб турган шу дилбар фаслда инсон табиат билан янада яқинроқ ва уйғун бўлиб яшашга, ён-атрофидаги одамларга, оиласи, ёр-дўстларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳурмат ва эҳтиром, меҳр ва эътибор билдиришга эҳтиёж сезади, сумалак ва ҳалим, кўксомса каби тансиқ, ҳақиқатан ҳам миллий таомларимизни улар билан бирга баҳам қўришга интилади.
Маҳалла-кўй, эл-юрт билан аҳил бўлиб, кўмакка муҳтож бўлган инсонларга, ногирон ва беморларга беминнат ёрдам бериш, табарруқ кексаларнинг дуосини олиш сингари азал-азалдан халқимизга мансуб бундай олижаноб фазилатларимиз айна шу кунларда ўзининг яққол тасдиғини топишини кузатиши мумкин.
Шуни айтиш керак — қимки халқимизнинг меҳрибонлиги ва бағрикенглигининг ёрқин ифодаси бўлиши ана шундай ноёб одатларимизнинг намоийшини кўрсатувчи, уларнинг чуқур инсоний маъносини англаша, ҳеч шубҳасиз, доимо ҳайратда қолиши муқаррар.
Наврўз руҳи, Наврўз фалсафаси билан ҳамоҳанг бўлган ўлмас шарқона қадриятларини неча-неча асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб келатган халқимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.
Қадрли юртдошларим, азизларим!
Бугун Ўзбекистонимизнинг тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, бизнинг асосий мақсадиимиз бўлиши янги жамият, янги ҳаёт қуриш, халқ фаровонлигини юксалтириш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб жой олиш учун қатъий қадамлар қўйиётганимизни халқаро жамоатчилик эътирофи эътаётгани ҳаммамизни қувонтиради ва янги куч-қувват бағишлайди, албатта.
Авалло, халқимизнинг оғир ва машаққатли меҳнати, ўз кучимиз ва салоҳиятимизни оқилона ишлатиш ҳисобидан эришаётган юксак натижа ва марраларимиз ҳақида гапирганда, эътиборингизни икки масалага алоҳида алоҳида жабл этишни зарур, деб билардим.
Биринчидан, бугун мана шундай хавфли-тахликали, ўта нотинч бир даврда, жаҳон молиявий инқирози ҳали-бери давом этаётган пайтда эл-юртимиз нимани натижаларни кўлга киритмасин, буларнинг барчаси юртимизда тобора мустақам бўлиб бораётган тинчлик ва осудалик, миллатлар, динлар ва фуқаролараро тотувлик ва аҳиллик, бир-биримизга ҳурмат ва эҳтиром ҳисобидан, десак, уйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.
Бундай ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган бойлиқни кўз қорачиғидек асрашимиз ва сезгир бўлишимизни замоннинг ўзи талаб этади.
Иккинчидан, биз ҳаётимизда эришаётган ютуқ ва марраларни халқаро ҳамжамият билан ҳамнафас бўлиб, узоқ ва яқин, аввало, қўшни давлатлар билан ҳамкорликда иш тутишимизнинг самараси сифатида кўрамиз ва бундай ҳамкорликни янада кучайтириш тарафдоримиз.
Наврўз руҳи барчамизни айна шундай орзу-ниятлар ва интилиш билан яшашга даъват этади.
Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай шодиёна кунда шу юксак минбардан туриб, бугунги тантанамизда биз билан бирга иштирок этаётган чет мамлакатларнинг мухтарам элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, бизга хайрихоҳ бўлган барча дўсту биродарларимизга миннатдорлик билдириб, уларни Наврўзи олам билан самимий қутлашга руҳсат бергайсиз.
Азиз ва мухтарам ватандошларим!
Бугунги унутилмас, улуг айёмда нуруний отахон ва онахонларимизни, мунис опа-сингилларимизни, навқирон ёшларимизни — ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган менинг фарзандларимни яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.
Азиз бошингиз омон, умрингиз узоқ, ризку насибанигиз зиёда бўлсин!
Ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, меҳр-оқибат, бахту саодат ёр бўлсин!
Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Майин офтобнинг заррин нурлари қалбларга ажиб бир илқилик олиб киради. Насим эпкинни юзни силаб ўтади. Булар янгилиниш фасли — баҳордан дарак.
Яшилликка бурканган она табиат барчани ўз бағрига чорлайди. Ялпиз тераётган болакайлари чаккасига гул таққан қизлар кулгуси атрофга таралади. Мусаффо осмон бағрида чарх ураётган қалдирғочлар қўшиғи оламни туттади...
Юртимизга биз орзиқиб кутган, ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор кудрати ва чексиз саховатининг бетақор ифодаси, халқимизнинг тийнатию минг йиллик миллий қиёфасини ўзида мужассам этган Наврўзи олам кириб келди. Борлиқдаги уйғониш ва янгилиниш тимсоли бўлган Наврўз халқимизнинг неча минг йиллик тарихи, одаимийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби эзгу фазилатлари умрбоқий эканидан мўжда беради.
21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.
Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намоёндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мухтарам отахон онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хоржий давлатлар элчиохоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари таширф буюрган.
Соат 10.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.
Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан қутиб оладилар. Чорлов мусикаси янграйди.
Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.
Давлатимиз раҳбари халқимизни



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Наврўз байрами билан муборакбод этади.
Муаззам майдон баҳорнинг, Наврўзи оламнинг фусункор тароватини ўзида мужассам этган. Мусика оғушида жонланаётган турфа гуллар, майин шобода, қушлар чуғур-чуғури ажиб бир уйғунлик билан қалбларга жо бўлади. Кўшнинг заррин нурларида жиллоланаётган камаларанг баҳор чечаклари, қир-адирлар манзараси барчага янгилиниш айёми шукҳини бахшида этади.
Халқимиз бу йил Наврўзи алоҳи-да тайёргарлик ва кўтаринки руҳ билан қутиб олмақда. Бу истиқлолнинг йигирма йиллигини қаршилайётган озод юртимизнинг йигирманчи Наврўзидир. Президентимиз Ислом Каримов жасорати билан халқимизга қайтариб берилган, истиқлол туфайли қадр толган асл миллий байрам, бирдамлик шодиёнаси.
Йигирма йиллик мустақил тараққиёт йўлининг ҳар бир йили, ҳар бир довозни залворли ютуқлар, бетимсол ўзгаришлар билан Ватанимиз тарихи зарварларига битилмоқда. Тарихан қисқа давр ичида миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетини ҳисобга олган ҳолда замонвий демократик давлат қуришнинг мустақам пойдевори қўйилди ва мустақамланди. Йигирма йил ичида Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси юқори, банк-молия тизими барқарор етакчи мамлакатлар сафидан жой олди.
(Давоми 2-бетда)



Гўзаллик ва нафосат кўриги

ЖИЗЗАХДА Наврўз айёми зўр кўтаринкилик ва шодиёналикда нишонланаётди. Асосий тантаналар вилоят марказидаги Мустақиллик майдонида бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими С.Исмоилов байрам билан барчани қутлаб, самимий тилакларини билдирди.
Байрам арафасида вилоятнинг чекка ва олис ҳудудларида ҳам қатор янги ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушди. Бугун Янгиобода адрас тўкиб чиқаришга, Галлаоролда лак-бўёқ маҳсулотлари, Мирзачўлда электр чиқорлари ишлаб чиқаришга киришилди, юзлаб янги иш ўринлари яратилди. «Жиззах-пластик», «Элегант-текс» корхоналарини реконструкциялашда сўнгги ишлар бажарилаяпти.
Вилоятда «Мустақилликнинг 20 йиллиги 20 туп кўчат — менинг туҳфам!» шиори остида минглаб туп мевали, манзарали дарахт, гул кўчатлари экилди. Йўллар кенгайтирилмоқда.
Айём кўнлари касабга уюшма фаоллари ҳомийлар кўмағида беморлар ҳолидан хабар олишиб, уларга байрам совғалари улашдилар.
Баҳарини сайилга уланиб кетди.
Воҳанинг барча ҳудудиди, олис ва чекка қишлоқларида, ҳар бир хонадонда, кўнгилларда Наврўзи олам шукҳи ҳукм суратайди.
Наврўз сайиллари **नावоий** вилояти марказидаги Алишер Навоий номидаги бош майдондан то вилоят ҳокимлигигача бўлган ҳудудда ташкил этилди. Вилоятдаги ҳар бир ташкилот майдонни безашда иштирок этиб, байрам дастурхонлари тузади. Бу ер чинакам байрам сайилгоҳига айланди. Миллий ўйинлар ва спорт мусобақалари бўлиб ўтди. «Сўғдиёна» спорт саройи ёш спортчилари кўргазмаларини намоийш этишди.
Асосий байрам тантаналари шаҳардаги амфитеатрда очилиб, вилоят ҳокими Э.Турдимов навоийликларни байрам билан табриклади. Вилоятдаги 14 та халқ бадийи жамоалари ҳамда ашула ва рақс да-

сталари иштирокидаги театрлаштирилган томошаларга нафбат берилди.
Шу кун 20 дан ортиқ кам таъминланган оилалар фарзандларининг хатна тўйлари ҳам ўтказилди.
Наврўз муносабати билан бундай хайрли тадбирларни ўтказишга вилоят касабга уюшма ташкилотлари ҳам ўзига хос улуш қўшди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда 100 нафар кам таъминланган оила вакиллари, фахрийлар учун байрам дастурхони ташкил этилди.
Вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Назира Тоғаева ҳамда кенгаш ва вакилликлар фаоллари ётиб қолган ногиронларнинг уйларига бориб, уларни байрам билан қутлаб, совғалар топширишди.
Шунингдек, байрам тантаналари вилоят марказидаги «Фарҳод» ва «Ширин» маданият саройларида, туманларда давом этмоқда. Байрам томошаларига кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари бепул таклиф этилмоқда.
ТЕРМИЗ шаҳридаги «Дўстлик», «Болажон» хиёбонларида Наврўз шодиёналари бўлиб ўтди. Байрам сайилларида вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси бепул сумалак таркатди.
Асосий байрам тадбири вилоят марказидаги амфитеатрда ўтказилди. Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Жўраев воҳа ахлини Наврўз айёми билан муборакбод этади. Унда вилоятда ва пойтахтда ижод қилаётган санъаткорлар кўй-қўшиқлари билан томошабинларга хурсандчилик туҳфа этишди. Бойсуннинг «Қуралай» болалар, «Шаллола», Шўрчи туманидаги «Булбулгўё» фольклор-этнографик дасталарининг чиқишлари байрамга ўзгача файз бағишлади.
Айни пайтда байрам тадбирлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтмоқда.
БУХОРОда бу йил Наврўз ўзгача кўтаринкилик билан қутиб олинди. Юртбошимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида барпо этилган «Кўҳна ва боқий Бухоро» маданий марказининг анвойи гул-

лар, кўркам ниҳоллар барқ уриб яшган хиёбонлари байрам сайилга чиққанлар билан гавжум бўлди. Улар республикамизда «2010 йилнинг энг яхши обидаси» деб топилган «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументини катта қизиқиш билан томоша қилиб, ўзлари яшаётган табарруқ шаҳарнинг ўтмиши ва бугуни, жаҳон тамаддунида тутган ўрни ҳақидаги тасаввурларини бойитдилар.
Вилоятда фаолият кўрсатаётган рус, тожик-форс, корейс, татар-бошқирд, яҳудий, поляк, немис ва бошқа миллий-маданий марказлар томонидан намоийш этилган Наврўзнинг дўстлик, қардошлик шодиёнаси эканлигини акс эттирувчи концерт дастурлари сайил иштирокчиларида катта таассурот уйғотди. Меҳмонларга турли халқларнинг таомлари тортилди.
Зангори денгиздаги оппоқ кемани эслатувчи мухташам театр биноси ёнидаги майдонда эса ўзбек дастурхонининг шоҳ таоми — палов дегустация-танлови ўтказилди.
Майдондаги 2000 кишилик амфитеатрда байрамнинг асосий тантанаси бошланди. Ранг-баранг байроқларни кўтарган йилгит ва қизлар чорлов мусикаси садолари остида улкан очиқ саҳнага кириб келишди.
Ёш истеъдод соҳиблари Маржона Қобилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саодат Гуломова ҳамда Гулчехра Уринова бошчилигидаги «Шўҳ болалар» гуруҳи чиқишлари, Бухоро давлат кўғирчоқ театри, «Афанди шай» гуруҳи санъаткорлари, маданият ва санъат коллежлари ўқувчиларининг театрлаштирилган томошалари намоийш этилди. Кураш, арқон тортиш, кўчқор уриштириш каби ўйинлар, аския, дорбозлик чиқишлари концертга ўзгача миллий руҳ бағишлади.
«Кўҳна ва боқий Бухоро» маданий марказидаги Наврўз шодиёналари шаҳарнинг бошқа гушалари — истироҳат боғи, Регистон майдони, Фитрат боғи, Мухтор Ашрафий хиёбони, «Пахтаёт» болалар боғи, маҳаллаларда давом этади.
Наврўз шодиёналари мамлакатимизнинг барча гушаларида давом этмоқда.
Ўз мухбирларимиз



«Шўртан» профессионал футбол клуби

Барча юрtdошларимизни янгилик ва яшарли байрами — Наврўзи олам билан муборакбод этади!

Серкуёш Ватанимиз шуҳрати дунёга ёйшлаверсин!

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят вакиллиги

Бунёдкор халқимиз ва тармоқ ходимларини

Наврўзи олам

билан қутлайди. Янги кунда барчангизнинг дастурхонингиздан қут-барака аримасин. Хонадонингиз тинч, юртимиз фаровон бўлсин.

Наврўз меҳр-мурувват байрами. Шу муносабат билан вакиллимиз Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ажратилган икки миллион сўмга турли совғалар, хусусан, оёқ кийимлар сотиб олиб, Ўзбекистон туманидаги «Кудаш» мурувват уйида даволанаётганларга байрам совғалари улашди.

● Етакчи минбари

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Курултойи делегатларининг Мурожаати Геология музейи ходимлари томонидан хайрихоҳлик билан қутиб олинди. Икки гектарга яқин жойни эгаллаган музей ҳудудида кўчаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Аввало, музейимиз боғидаги юзга яқин дарахтларга шакл берилди, таги юмшатилди. 400 туп атиргул кўчати ўтказилди.

Геологларнинг янги мавсуми



Бу йилги ҳашар қутлуғ санада ўтаётгани учун ҳам ўзгача тус олди. Умуман ҳашаридан бирор киши четда қолмади. Шу кунги музей атрофи чиннидай тозаланиб, янада кўркам қиёфага кирди. Бинонинг олд қисми, кириш зали ва хоналар тартибга келтирилди. Биргаликда қилинган меҳнатдан нафақат музейимиз атрофи чирой очди, балки жамоамиз аъзоларининг ўзаро аҳиллиги, меҳр-муҳаббати ҳам ошди.

Наврўз айёми геологлар учун янги мавсум — дала ишларининг бошланиши ҳамдир. Она замин ва жонажон табиатнинг билимдонлари бўлиши геологларимиз қидирув ишларини олиб бориш, ашёвий далиллар излаш ва тўплаш, турли жинслар таркибини ўрганиш учун қир-адирларга, тоғ-тошлар ва бепоён чулу саҳралар томон ошиқшади. Баҳорнинг бор гўзаллиги ва тароватини ўз кўзи билан кўриб, ҳис қилади. Нафақат баҳор гўзаллиги, балки табиатнинг инжиқликлари, ёзнинг жазирмаси, кузнинг изғирин шамолларида улар қақроқ чуллар, харсанг қоялар оралаб жавоҳир излашади.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Геология музейи

ана шундай фидойиларимизнинг меҳнатлари билан Ер юзидаги энг ноёб минераллар, қазилма бойликлари, ҳайвонот ва наботот қолдиқлари ҳамда янги-янги топилмалар билан бойиб бормоқда. Бу ерда юртимиз геология фани ва амалиётининг барча йўналишларини қамраб олган экспозициялар жойлаштирилган бешта зал бўлиб, уларда 50 мингга яқин экспонат мавжуд. Улардаги моддий ашёлар муайян бир давр ва жараёнлар ҳақида ҳикоя қилади.

Бўсагадан ўтганингиз ҳамон Ернинг шаклланиши ва ривожланишига оид турли назарияларни ўз ичига олган материалларга кўзингиз тушади. Бошқа залларда эса юртимиз ҳудудида аниқланган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб топилмалари, тоғ саноати тарихи ҳамда жаҳон геология меросини ўзида мужассам этган экспонатлар ўрин эгаллаган.

Айниқса, дунё тамаддуни, илм-фани ва мамлакатимизнинг ноёб геологик меросига дахлдор экспонатларимиз муҳлисларни ўзига ром этади. Жумладан, «Саҳрои Кабир атиргуллари», тошда қотиб қолган ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари, тоғ жинсидаги феруза «томирлар» музейимиз ходимлари томонидан кўз қорачиғидек асраб-авайланади.

Ёшларнинг соҳда қизиқишини қўнайтириш, геологияга оид тушунча ва тасавурларини бойитиш мақсадида, юртимиз-

нинг минерал хомашёси салоҳиятини ақс эттирган турли кўрғазма ва тақдимотлар, хорижлик ҳамкасблар билан учрашувлар, «Ёш геолог» кўриктанловлари ташкил этилмоқда. Ўтган йили маърифат масканимизга 50 мингдан ортиқ томошабин ташриф буюрди. Улар орасида юртимиз меҳмонлари, чет эллик сайёҳлар ва хорижлик мутахассислар борлиги музейимиз нуфузи ошиб бораётганидан дарак беради.

Ўзбекистон ёқлиги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар вакиллиги кўмаги билан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, саломатлигини тиклаш, оиласи, фарзандлари ҳақида гахўрлик қилиш, турли маданий-маърифий тадбирларни уюштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда маъмурият билан ҳамкорликда имзоланган жамоа шартномаси жуда қўл келмоқда.

Наврўз байрами муносабати билан кам таъминланган, кўмакка муҳтож ходимлар моддий рағбатлантирилади. Катта байрам тадбири уюштирилиб, унга фахрийлар ва геология фани даргалари тақлиф этилади. Беморлар ҳолидан хабар олиниб, ишда ўрнак кўрсатган фаол ходимларга байрам совғалари улашिलाди.

Эсонали УСМОНАЛИЕВ,
Республика Геология музейи касаба уюшма кўмитаси раиси

Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

Куч-ғайратини халқимиз саломатлигини сақлашга бағишлаган тиббиёт ходимларини Наврўзи олам билан муборакбод этади. Наврўз хонадонингизга тинчлик, хопиржамлик, қувонч ва омад олиб келсин. Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин.



Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят вакиллиги

Халқимизни Наврўзи олам билан салтанат муборакбод этади. Мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга муносабат ҳисса қўшаётган тармоқ ходимларининг келувчи ишларида муборакбод тилайди. Хонадонингиздан қут-барака аримасин.



Илҳом

Бинафша



Бинафша, сенмисан, бинафша, сенми? Кучада ақчага сотилган. Абдулхамид Чўлпон

Бу юртда бинафша энди ҳеч, Хор бўлиб, зор бўлиб қолмагай, Шоирлар андалиб мисоли, Баҳорни мадҳ этиб толмагай.

Бинафша, бу юртда йиғи йўқ, Муҳаббат таърифи дostonдир. Минг йиллик удумлар сақланган, Тепамиз мусаффо осмондир...

Сотилмас бу юртда бинафша, Ҳадаяр қилинган, бўлакча... Бу юртда боғ барпо этарлар, «Бинафша» исми бир боғча.

Фанишер ФАЙЗ, Фаргона вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ходими

Олмавийлик

Хоразм вилоят таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси кенгаши ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, вилоят касба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти билан ҳамкорликда анъанавий VIII аёллар спартакиадасини ўтказди.

Аёллар спартакиадаси

Мақсадимиз Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида вилоят таълим-тарбия тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб этиш, спортнинг миллий ва оммавий турларини ривожлантиришдир. Бу орқали аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш ва тарғиб қилишдан иборат, — дейди кенгаш раиси Муъассар Раҳимова.

Мусобақанинг биринчи босқичи 600 дан зиёд ҳаваскор спортчиларни қамраб олган бўлса, унда голибликни қўлга киритган 120 га яқин аёл 13 жамоа таркибиди спортнинг 5 тури бўйича беллашди.

Стол теннисда Богот енгил саноат коллежи ўқитувчиси Гулноза Жаборова, узунликка сакрашда Гурлан транспорт ва қурилиш коллежи ўқитувчиси Маҳфират Хўжаеванинг қўли баланд келди. Эстафета баҳсларида Хонқа қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи, стритболда Богот енгил саноат коллежи жамоаси голибликка эришди. Арқон тортиш беллашувида Хонқа жамоасига тенг келадигани топилмади.

Умумжамоа ҳисобида эса Богот, Хонқа ва Шовот туман терма жамоалари кучли улкини банд этишди. Яқунда голиб ва совриндорлар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Муҳаббат Тўрабоева, «Ishonch» мухбири

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Фаргона вилоят кенгаши

Фарзандларимиз тарбияси, пухта билим олиши йўлида меҳнат қилаётган устоз-мураббийларимиз ва халқимизни азалий қадриятимиз — Феврузи олам билан салимий қутлайди.

Муқаддас юртимиз шўҳрати янада зиёда бўлсин.



Байрамлар шоҳи

Ўрта асрларда «Наврўз» байрами ривожланиб, оммавий тус олган. Бу ҳақда ўша даврнинг деярли барча алломалари сўз юритади. Наврўзнинг маънавий аҳамияти, фазилатлари, фазилат ва хосияти ҳақида Абу Райҳон Беруний, Фирдавсий, Махмуд Қошғарий, Умар Ҳайём, Алишер Навоий, Файзий, Мирзо Бедил, Калим Кошони, Фурқат, Муқимий ва Садриддин Айний каби улўғ аллома ва шоирлар аjoyиб фикр-мулоҳазалар билдиришган, гўзал шеърлар битишган.



Бу кунни Беруний «Наврўз — оламнинг бошланиши» деса, Фирдавсий «Наврўз — байрамлар шоҳи» дея таърифлайди. Навоий «Хар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг бўлсин Наврўз» дея газаллар битган бўлса, Садриддин Айний «Наврўзда табиат жонланбигина қолмай, инсон табиати ҳам уйғонар эди», дейди.


Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёлгорликлар» асариди шундай жумлалар бор: «Сўғдлар ҳам ўз ойлари йилнинг фаслларига қараб бўлганлар. Навсарднинг биринчи кунни сўғдларнинг Наврўздир. У улўғ Наврўздир». Берунийнинг ёзишича «Саҳобалар дейдиларки, «кимки Наврўз кунни тонг отишдан олдин турса-ю, сўз айтмасдан шакардан татиб, зайтун ёғидан баданига суртса, йил давомида ҳар қандай балолардан солим қолгай».

Беруний ўз асарларида Наврўзнинг тарихига оид турли маълумотларни ҳам келтиради: «Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилиши кунни Худо, фалак ҳаракатсиз тургандан кейин уларни айлантириб юборган. Еритгичлар тўхтагандан кейин эса уларни сайр эттириб юборган. У Кўёшни яратган, у туйфайли йиллар, ойлар, кунлар ва бошқалардан иборат бўлақлар яшринликдан кейин маълумликка айланган ва ҳисоб боши улардан бошланган».

Алишер Навоий ўзининг «Тарихи мулуки Ажам» асариди Наврўз байрамининг келиб чиқишини шундай баён этади: «Жамшид одамзот кўрмаган ва ақл бовар қилолмайдиган «Чихил чинор» (40 чинор маъносиди) номи баланд бино қурди... Бу иморат туганди, олам саломин ва ахбарин йиғиб, азим жамин қилади. Ул вақтким, кўёш нўхта эътиқодли раббийча таҳвил қилиб эрди, ул бинода тахт устига ўлтуруб, адолат сайт ва садосин оламга мўнташир қилди ва ул куннинг отин «Наврўз» қўйди».

«Наврўз» сўзи одамларнинг исмига ҳам айланиб кетган. Айниқса, Наврўз кунни тўғилган гўдақларга бу табиий байрамнинг ўзи исм берган. Масалан: Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» достони фикримиз далилидир.

Наргиза Жўрабекова тайёрлади



«БАҲОРНИЙ АЙЁМ» ЧАЙҚОРДИ

- 1. Наврўз айёмини одатда жамоа бўлиб пишириладиган шифобахш «шоҳона» таоми. 2. Кўёш нурининг ёмғир, фаввора томчиларида синиши натижасида ҳавода ярим доира шаклида, турфа рангларда акс этадиган манзара. 3. Ток барги қўшиб тайёрланадиган қўклам таоми. 4. Хўшбўй ошқўк экин. 5. Бинафшаранг тусда очиладиган эрта баҳор гули. 6. Ҳамал ойининг табиатда акс этувчи белгиси. 7. Атоқли шоир Муҳаммад Юсуфнинг қўкламда очиладиган гул номи билан аталувчи шеъри. 8. Само жисми, ҳарорат ва ёруғлик манбаи. 9. Шарқ халқларининг мумтоз мутафаккир шоири Абулқосим Фирдавсийнинг Наврўз байрамининг пайдо бўлиши шох Жамшид номи билан боғланиб ифода-ланган нодир достони. 10. Гулламадан мева тугадиган дарахт. 11. Қўклагини банди нордон таълими, ейишли, тоғда ўсадиган ўсимлик. 12. Баҳор кўклатлари қўшиб пишириладиган хамирли, шифобахш таом. 13. Наврўз сайилларида ўтказиладиган сўз усталарининг кўнгилочар, халқимизга хос баҳси. 14. Қадимий халқ қўшиғи. 15. Баланд бўйли, бутта ҳолида ўсувчи оқ ёки оч бинафша рангда очиладиган баҳорнинг шода гули. 16. Янги ўтқазилган ёш дарахт. 17. Ривоятларга қўра, бир оёқда туриши хотиржамлигини ифода-ловчи парранда. 18. Наврўз сайилларида уштириладиган полвонлар беллашуви. 19. Кўёш чиқиши ёки ботиш олдидан уфқда ҳосил бўладиган қизиллик. 20. Қаноти ингичка ва узун, жуда тез учадиган, қора-ола кичик парранда, қўклам элчиси. 21. Мохир от-чусар. 22. Қанотлари қорантир, ўзи сарик тусдаги сайроқи қўш. 23. Қўлаб етиштири-ладиган полиз экин. 24. Ўрта аср фалаки-ёт ва риёзийт алломаси, рубоийнавис шоир Умар Ҳайёмнинг шарқона баҳорий айёмнинг юзага келиши аниқ далиллар билан баён этилган асари. 25. Ватани Хитой ҳисобланув-чи, хўшбўй, кўркам манзарали ўсимлик. 26. Ҳосил сугорилмай баҳор ёмғири билан етиш-тириладиган дехқончилик. 27. Халқ сайилла-рида ўтказиладиган қадимий, миллий чаван-дозлик мусобақаси. 28. Янги униб чиққан барги Наврўз таомига ишлатиладиган қўклат. 29. Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида қарор топаётган азалий урф-одатларимиз мажмуи. 30. Наврўз айёмидан янгиланадиган атроф муҳит, борлик. 31. Куннинг энг мусаф-фо пайти. 32. Эртапишар ҳўл мева.

МУАММОНОМА

- Авалло, қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг. 1. Наврўз айёми бошланадиган шамсия йил ҳисобида йилнинг биринчи ойи — 20, 6, 12, 6, 2. 2. Йирик баргли, калта пояли, гуллари майда, халқ таъбиотиди доривор сифатида ишлати-ладиган ўсимлик — 13, 6, 7, 8, 9, 11, 18, 13. 3. Таъми нордон, майда барги таомга ишлатиладиган ошқўк — 5, 1, 4, 18, 2. 4. Экинзор маскан — 16, 6, 2, 6. 5. Қўйнинг янги тўғилган боласи — 17, 10, 11, 9. 6. Туя хўш кўрадиган ҳўл гивҳи — 14, 3, 15, 1, 17. 7. Чўпонларнинг азалий чолғу асбоби — 3, 6, 19. 8. Сайёра — 21, 7.

Энди шакл атрофидаги рақамларни калит сўзлари жавобларидаги ҳарфлар билан алмашти-риб, муаммонани ҳал этинг. Бунда улардан баҳор айёмига берилган таъриф ва унинг муалли-фи бўлган ўрта аср қомусий алломаси номини билиб олишга муваффақ бўласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

Logo: Insonga naf keltirish... Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi... Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov... Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV... Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti, Huquq va xalqaro hayot, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash... Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy... Nashr ko'rsatkichi: 133... Navbatchi muharrir: T. Shernayev... S. Abdurahmonov... S. Shodiyeva... O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soltuda erkin narxda. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda mamba sifida gazeta nomi ko'rsatish shart. Mualliflari barcha hujjatlar uchun javabgarlikni qabul qilishni ta'minlaydi. (h) - Tijorat materiallari... Boshiga topshirish vaqti - 21.00 Topshirildi - 20.00... E-yurtma G - 351... 21955 nusxada bosildi... ISSN 2010-5002... 1 3 4 5